

АЛЬТЕРНАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЕИРГА ЯРАТАМИЗ!



ЛОЙИХА

Кичик кўламли альтернатив ва самарадор энергия
технологияларини Узбекистон қишлоқ аҳолиси
ўртасида тарғибот қилиш лойиҳаси.

Тошкент – 2010

Кичик кўламли альтернатив ва самарадор
энергия технологиялари йўриғомаси



ПРОЕКТ Ӯзбекистонда кичик масштабли альтернатив ва энерго-тежамкор технологияларни қишлоқ ахолиси ҳорасида оммалаштириш

Кичин кўламли альтернатив ва самарадор энергия технологиялари йўриқномаси – бу натталар ва болалар учун амалий маслаҳатлар.

Қўлингиздаги қўлланма – бу альтернатив ва самарадор энергия технологияларидан фойдаланиш бўйича йўриқномадир. Унинг ёрдамида сиз ўз қўлларингиз билан қуёш ўчоқлари, минро – ГЭС, бринет пресслари, самарадор энергия ўчоқлар ва бошقا нўп фойдали нарсалар ясашингиз мумкин. Шунга ўхшаган технологиялардан рўзгорда фойдаланиш нафақат ҳаётингизни енгиллаштириб маблагингизни тенайди, балки атроф муҳитга ҳам салбий таъсирни намайтиради.

Қўлланмани тайёрлаганлар: Александра Поварич, Валентин Солдатов, Юрий Мун.

Бадиий муҳаррир Дина Абдуллаева ва саҳифаловчи-дизайнер Иброҳим Ғуломовга катта миннатдорчилин билдирамиз.

Бепул тарқатилади

Қўлланма, Голландия Ташқи ишлар вазирлиги нўмаги билан нашр этилиб, WECF (Европа аёллари умумий келанжак учун) ва ПМГ ГЭФ (Ўзбекистондаги Глобал Энологин фонди Кичин Грантлар дастури) ҳамкорларинида нашрга тайёрланди.



Глобальный
Экологический Фонд (ГЭФ)
www.thegef.org



The GEF
Small Grants
Programme

Программа Малых Грантов
www.sgp.uz



Программа развития ООН
в Узбекистане
www.undp.uz

Кичин кўламли альтернатив ва самарадор энергия технологияларидан фойдаланиш йўриқномаси

Мундарика:

НИРИШ.....	4
ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТЕЖАШНИНГ АНЪНАВИЙ УСУЛЛАРИ.....	5
ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ БЎЛСИН	
Самарадор энергия ўчоғи.....	7
Ёқилғи бринетлари.....	12
Деразаларни иситиш.....	18
ТЎЙИМЛИ ВА МАЗАЛИ БЎЛСИН	
Қутисимон қуёш ўчоқлари.....	22
Парараболик турдаги қуёш ўчоқлари.....	27
ЕРУҒ БЎЛСИН	
Микро-ГЭС.....	30
ОЗОДА БЎЛСИН	
Компост (ўғит) ўралари.....	35
ХУЛОСА.....	37

Охирги бир неча ўн йилларда аҳолининг неснин ўсиши, жадал илмий ва техник тараққиёт ҳамда табиий ресурсларнинг ҳаддан зиёд истеъмол қилиниши сабабли сайёрамизда тез-тез экологик муаммолар билан тўқнашиб турибмиз. Бунинг оқибати ҳаётимизга, ўзимиз ва болаларимиз соглигига салбий таъсир қилаяпти. Экологик муаммоларни ечишнинг асосий усусларидан бири – бу ресурсларни тежамли ишлатиш, энергияни тежаш ҳамда альтернатив ва энергия самарадорлигини оширувчи технологияларни ривонлантириб, улар ёрдамида қуёш, шамол ва сувнинг соғ энергиясини олиш.

Қўлингиздаги қўлланма – бу альтернатив ва самарадор энергия технологияларидан фойдаланиш бўйича йўриқномадир. Унинг ёрдамида сиз ўз қўлларингиз билан қуёш ўчоқлари, микро – ГЭС, бриннет пресслари, самарадор энергия ўчоқлари ва бошقا кўп фойдали нарсалар ясашингиз мумкин.

Шунга ўхшаган технологиялардан рузғорда фойдаланиш нафақат ҳаётингизни енгиллашириб маблагингизни тенайди, бални атроф мұхитга ҳам салбий таъсирни намайтиради.

Қўлланмадан фойдаланиш йўриқномаси

1. Қўлланма билан ишни бошлашдан олдин, альтернатив ва самарадор энергия технологиялари бўйича бор маълумотлар билан танишиб олинг. Сизга қўлланмани берган одамдан шу технология тўғрисида гапириб беришини сўранг.
2. Агар сиз бирор бир кўрсатилган конструкцияни ясамоқчи бўлсангиз, аввало унинг ясаш муракаблигига эътибор беринг.
3. Тайин конструкция устида иш бошлашдан олдин, ҳамма материаллар етарлилигини тенширинг. "Материаллар" руҳнида иш учун зарур ашёлар аниқ ёзилган. Агар бирор бир ашё сизда йўқ бўлса, уни нима билан алмаштириш мүмкнингини ўйлаб кўринг.
4. Ишни йўриқномада ёзилгандек босқичма-босқич бажаринг. Берилган маслаҳатларга эътибор беринг.
5. Техник хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг.
6. Агар қўлланмани ўқиш пайтида саволлар пайдо бўлса, муаллифлар электрон почтасига мурожаат этишингиз мумкин ва биз сизга ёрдам беришга ҳаракат киламиз:

Муракаблинтурлари:

- Оддий!**
Бир ўзингиз ишласангиз бўлади!
- Муракаброн!**
Ўртоғингизни ёрдамга чақиринг!
- Жуда муракаб!**
Ўртоқларингиз ёрдами ва сабр нерак бўлади!

Александра Поварич –
povarich@alexandra.uz
Валентин Солдатов – soldatovval@list.ru
Юрий Мун – yuriym83@gmail.com

Омад сизга ёр булсин!

ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТЕЖАШНИНГ АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Биз кўп асрлик тарих, маданият ва анъаналарга эга ажойиб мамлакат – Ўзбекистонда яшаймиз. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан табиатни асраб нелишган ва ўз фарзандларига ҳам еру сувни асрараш ва қадрлашга ўргатишиган.

Бугунги нунда ҳам Ўзбекистон шаҳарларида қайта тикланадиган энергия манбалари – сув, қуёш ва шамолдан фойдаланиб келинаётган қурилмаларни нўришимиз мумкин.

Қадимги анъаналаримиздан бири – бу яшайдиган еримизни, ичадиган сувимизни, етиштирган ҳосилимизни асраб, бизга табиат берадиган неъматларни қадрлаш.

Тарихдан



Қўчманчи ҳаётдан ўтрок ҳаётга ўтиш даврида лойдан ясалган, чўбтора деб аталадиган уйлар пайдо бўла бошлади. Улар унча баланд бўлмаган, томлари қамиш ва ҳашаклардан ясалган қурилмалар эди. Тутун чиқиши учун мўри қилинар эди. Бундай уйларни ерда кавланган ўчоқ билан иситишиган. Еқилғи сифатида ўйноноворларининг тезаги ҳам ёқилган.

Вақт ўтиши билан лой уйлар тузилиши таномиллаша берган. Уларнинг қурилиш ренаси жуда ҳам осон бўлган: яшаш хонаси ва унинг ён деворига қурилган даҳлиз ёни даҳлиз ва унинг инки томонида биттадан хона. Уйлар пойдеворсиз, аммо текислаб шаббаланган майдонга қуриларди. Деворларни кўтаришда асосан инки қаватли чўпкори (синч) ясаб, орасини тувала ва лой билан тўлдирилган. Текис том ёғоч тўсинлар устига ёпилган. Яшаш хонасида инкита дераза бўлиб, улар ҳовлиниң ичига қаратиларди. Бу деразалар ойнасиз, инки тавақалик ром билан ёпиларди. Деворлар сомон аралаштирилган лой билан сувоқ қилинарди. Эскича қурилган ҳовлиларда дарвозалар жуда катта ва баланд бўлиб, олдида ёпиқ йўлан бўларди.

Хозирги нунда ҳам қурилишда асосан анъанавий текис томлар қилинади. Нейинроқ том (шифт)га ўзаро бир хил масофада кўндаланг қилиб тўсинлар қўйиш ва тўсинлар устига бир бирига зич килиб вассалар териб чиқиш расм бўлган. Улар устидан қамишдан қилинган бўйра солинган ва қалин тупроқ босилиб, сомонли лой билан сувалган. Бундай томлар ёзги қуёш жазирамасидан, қиши қаҳратонидан асрайди.

Ўзбекхонадонининг ўзига хос хусусиятларидан бири – нон, сомса ва бошча мазали таомлар ёпиш учун хизмат қиладиган тандирдир. Тандир ясовчи усталар тандирни жун қўшилган маҳсус лойдан ясашади ва уни нуйдирмасдан қўритишади. Тандир ичига натта олов ёқиб, ёниб бўлган чўғ маҳсус нурек

(носов) билан уйилади, тандир деворларига нон, сомса ёпилади. Тандир деворлари нон ёлиб пишириш учун керанли бўлган иссиқликни анчагача сандаиди.

Совуқ пайтда уйни иситиш учун фойдаланиб келинаётган анъанавий қурилма бу сандалдир. Сандал ясаш учун маҳсус чуқур хонанинг ўртасида ўйилади, унинг устига хонтахта қўйилади ва иссиқни сақлаш учун катта нўрпа билан ёпилади, нўрпа устидан дастурхон ёзилади. Сандалга чўғ солиниб, овқатланиш ва дам олиш пайтида барча оила аъзолари хонтахта атрофида ўтириб, оёқларини нўрланинг тагига тишиб, исинишиади. Сандал ёнида дам олиш қулай. Сандал ўтинни тежайди, чунни чўғланиб турган нўмур анчагача иссиқни сақлади.

Қадимда ихтиро қилинган қурилмалардан яна бири бу – чиғир (чархпалак). Сув далалардан паст оқса, у чиғирлар билан кўтарилиган. Чиғир – айланаси бўйлаб кўзалар ўрнатилган тик ғилдирак. Уни оқар сувнинг ўзи айлантирган ва айланганда кўзалар дарёга ботиб, сувга тўлади, сўнг сув кўтарилиб, тарновга қўйилади ва ундан далага оқади. Дастребни чиғирлар тахминан эрамиз бошларида Хоразмда пайдо бўлган. Ўша даврда сув кўтариш учун чиғирдан оддийроқ усуllар ҳам қўлланган, масалан, сепма – ҳовучсимон тахта белкуран; тепма – оёқ билан ҳаранатга келтириладиган белкуран; нова – тахта тарнов, унинг бир учи ариққа тушиб сув олган, инкинчи учи юқорига кўтарилиб сувни далага берган. Қадимги хоразмликларнинг чиғири Мисрда ва Месопотамияда “сани”, Эрон ва Ҳиндистонда “чарх” номи билан аталган қадимий қурилмага ўхшайди. Бундан ташнари чиғир Амударё ва Сирдарё соҳилларида яшаган аҳоли ўртасида ҳам кенгтарқалган эди.

Ўзбекистоннинг тоғли қишлоқларида ничик дарёчалар – сойларга сув тегирмонлари қурилганки, уларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Тегирмон парранклари оқим устида жойлашган бўлиб, йўналтирилган сув кучи билан айланган, ўқча биринтилган силлиқланган гранит айланма – тегирмон тошини ҳаранатга келтиради. Бу тош эса бошқа айланма тегирмонтоши устида сирғалади. Айланманинг ўртасидаги тешинка буғдой тушади, у тошлар орасида янчилиб ун бўлади, ҳосил бўлган ун тегирмонтошлар ёнидаги маҳсус чуқурга йиғилади. Одатда, битта тегирмон наттагина қишлоқ аҳолисини, ҳатто кўшни қишлоқларни ҳам ун билан таъминлаши мумкин бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқининг тандир, сандал ва сув тегирмонлари каби уй-рўзгор ашёларидан кундалик турмушимизда фойдаланамиз ва улар бизга катта ёрдам беради. Улардан ресурслар ва энергияни тежашга қаратилган таномиллаштирилган ҳолда фойдаланиб келанкан авлодларимизга етказишимиз нерак.

ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ БЎЛСИН Самарадор энергия ўчиғи

Ота-боболаримиз ғишт териб уй қурғанларида, биринчи навбатда, болаларини ўйлашган. Овқат тайёрлаш ва уй ичини иситиш учун кўп миндорда ўтин ёқиш нерак. Ҳамма қишлоқларда ҳам газ ва электр тонида ишлайдиган ўчиқлардан фойдаланишга ҳозирча шароит йўқ. Деман, биз уйларимизни иситиш, овқат тайёрлаш учун қанчадан-қанча дараҳтларни кесамиз ва бу орқали умумий ўйимиз бўлган табиатга, атроф-муҳитга зарар келтирамиз. Айниқса, тоғ ёнбағирларидағи, дарёлар ёқаларидағи дараҳтларни кесиш табиатга катта путур етназади. Хўш, бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўллари бор?

Тарихдан



Бурнуйна – хоналарни иситиш учун мўлжалланган металл ўчиқ (асосан чўяндан тайёрланган). Бундай деб аталишининг сабаби – ундан фойдаланиш арzonга тушмаган, чунки жуда кўп ўтин нетган, бу эса энергия самарадорлигининг пастлигидан бўлган.

Бурнуйна XX асрнинг биринчи ярмида кенг тарқаган наминлар (ўчиқсимон уй ўчиқлари) ўрнини босган. Бурнуйна уйни тез иситиши билан оммавийлашган, лекин унинг катта намчилиги – ўтин тугаши билан тез совуб қолишидир.

Шу сабабли, марказий иситиш усули ва газ ўчиқлари пайдо бўлганидан нейин, бурнуйналар аста–секин намая бошлаган. Аммо инкинчи Жаҳон уруши вақтида буржуйналар марказлаштирилган иситиш системаси ўчирилган, кўп одамлар ертўла ва вагонларда яшашга манбур бўлган пайтда уларни совуқдан асрарган.

Бугунги нунда бурнуйналарни қишлоқ ва дала ҳовлиларда учратиш мумкин.

Бу ўчиқ қандай ишлаши билан танишиб айтишимиз мумнинки, у нафақат тежамли эмас – жуда кўп ўтин ейди ва тез совийди, балки айни пайтда оила даромадига ҳам қимматга тушади, яна бир муҳим ниҳати – дараҳтзорларга салбий таъсир кўрсатади.

Агар, ўчиғимиз энергия томонидан самарадор бўлмаса нима қилишимиз нерак? Навоб оддий – уни самарадор қилиш нерак.

“Буржуйна” ўchoқларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича йўриқнома

МУРАККАБЛИК ТУРИ:



Материаллар:

1. Ўchoқ – 1 дона.
2. Диаметри 100 мм бўлган металл қувур – 1 м.
3. Диаметри 15 мм бўлган металл қувур – 80 см дан 7 дона.
4. Диаметри 100 мм бўлган, 15 мм линтешинлари бўлган қопқоқ – 2 дона.
5. Диаметри 15 мм бўлган пластик қувур – 3 м.
6. Фитинглар – 4 дона.
7. Сгонлар – 4 дона.
8. Диаметри 80 мм бўлган металл қувур – 200 мм.
9. 1мм литунука – 1м².
10. Диаметри 8 мм бўлган арматура – 300 мм.
11. 100 мм диаметрдан 50 мм га ўтказувчи фланец – 2 дона.
12. Иситишускунаси.
13. Ненгайиш бакчаси.

Ўchoғимизнинг энергия самарадорлигини ошириш учун, биз иссиқлик алмашиб қурилмасини йиғишимиз неран. Бунинг учун аввал иссиқлик алмашиб қурилмаси ҳандай қилиб ўchoқ самарадорлигини оширишини ўрганайлик. Иссиқлик алмашиб қурилмаси – бу иссиқликни иссиқ ташувчи агентдан совуқ (иситиладиган) нарсага узатувчи ускунга. Биз қараётган ҳолда, иссиқлик узатувчи – ўтин ёнганда чиқсан газ – иссиқ ҳаво ва тутундир. Иссиқлик алмашиб қурилмаси ўрнатилганда, у иссиқликни ўchoқдан радиаторга (чўян батареяларга) узатади, ундан эса иссиқлик хонага тарқалади. Радиаторда иссиқлик узоқ вақт санланиб, хонани узоқ вақт иссиқ тулади.

Энди иссиқлик алмашиб қурилмасини йиғамиз.

1-босқич. Иссиқлик алмашиб қурилмасини йиғиш.

1. 100 мм лин қувурга ўрнатиш учун қопқоқ тайёрлаймиз.
2. Қопқоқ четидан фаскани (чархланган қиррасини) шундай ясаймизки, у диаметри 100 мм бўлган қувурга осонгина нирсин.
3. Иннала қопқоқда ҳам бир хилда олтитадан 15 мм диаметрли тешин қиласмиз. Тешинларни шундай йўниб ненгайтирамизни, уларга диаметри 15 мм бўлган қувурлар осонгина кийдирилиб, икки томондан тенг кесин.
4. Диаметри 100 мм бўлган қувурга қопқоқларни қўйиб, пайванд қиласмиз, диаметри 15 мм бўлган тешинларга қувурчаларни кийдириб, ҳам пайванд қиласмиз.
5. Қурилма ёнига радиатор улаш учун сгонларни пайвандлаймиз.
Диққат!!! Пайвандлаш сифатли қилиниши нерак!

Қурилмани йиғдин, энди уни ўрнатишимиш неран.

2-босқич. Қурилмани ўрнатиш.

1. Эсни ўchoқдан, узунлиги 1 м бўлган қувур бўлагини несиб оламиз.
2. Несиб олинган қувур ўрнига йигилган қурилмани пайванд қилиб қўямиз (агар, сизнинг буржуйна-ўchoғингиз қувурлари диаметри бошқача бўлса, қурилма қувурлари диаметрини шунга мос қилиб танлашингиз неран).
3. Радиаторни қурилмага пластик қувурлар ва сгонлар ёрдамида улаймиз ва деворга маҳнамлаймиз. Радиаторни қувурлардан ясаш мумкин ёни тайёр чўян батарея сотиб олиш мумкин.
4. Ненгайиш бакчасига сув қўямиз.

Биз иссиқликни алмаштириб берувчи қурилмани ўрнатдик, бу бизга ўchoқ қувуриданҳавога чиқиб нетаётган иссиқликни хонага қайтариш ва атроф-муҳитнинг иссиқликндан ифлосланишини намайтиришга ёрдам беради. Энди, ўchoғимиз энергия самарадорлигини янада ошириш учун, биз унинг иссиқлик ўтказувчанилигини оширишимиз неран. Яъни, ўchoқ деворлари бир данича вантда берәётган иссиқ миқдорини нўлайтиришимиз нерак. Бу билан ёқиладиган ўтин миқдорини намайтирамиз. Бунинг учун ўchoқга “этак” ўрнатамиз.

3-босқич. Ўchoқда «этак» ўрнатиш.

1. Металл тунунадан ўchoқнинг ён девори натталикларига қараб тўртбурчак несиб оламиз.
2. Олдиндан несиб тайёрланган арматураларни (диаметри 8 мм) пайвандлаб, ўchoғимиз ён деворидан 1 см масофада “этак” ўрнатамиз.

Энди ўchoғимиз тайёр!

ФОЙДАНИ ХИСОБЛАЙМИЗ



Ўchoқнинг энергия самарадорлигини ошириш ёрдамида, ёндириладиган ёқилғини 30% гача теншаш мумкин. Агар, бир оила қишида ўй иситиш учун, нархи 120000 сўмлик 3 куб метр ўтин ёқса, ўchoқнинг энергия самарадорлигини ошириш орқали салкам 1 (аниги 0,9) куб метр миқдорда ўтин тенжалади.

$$3 \text{ м}^3 - 100\%$$


$$X - 30\%$$

$$X = (3 \text{ м}^3 \times 30\%) / 100\% = 0,9 \text{ м}^3$$


Демак, агар 1 м³ ўтин нархи 40000 сўм бўлса, 36000 сўм (0,9 м³ × 40000 сўм) маблағ тенжалади.

Энергияни тежовчи самарадор ўчоқ схемаси


1 Буржүйка туришаги ўчоқин такомиллаштириши учун кисмлар түплами




2 Иссиклик алмашини курилмасини йигиши




3 Флансанни ўчоқ кувуридан иссиклик алмашини курилмасига ўрнатиш




4 Иссиклик алмашини курилмасининг тепадан кўрининиши



5 Иссиклик алмашини курилмасининг ишланиши



6 Ўчоқка «этак» ўрнатиш



ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ БҮЛСИН Ёқилғи брикетлари

Олдинги йўриқнома ёрдамида биз ўчоғимизнинг энергия самардорлигини оширдин, уйимизни иситиш учун нетадиган ўтин миқдори камайди ва бу билан биз табиатта ёрдам бердин. Ленин, афсусни, бу етарли эмас. Ўлаб кўринг, бир кубометр ўтин олиш учун, 3–4 та дараҳт несилади. Агар, қиши даврида битта қишлоқ оиласи уйини иситиш учун 3 кубометр ўтин сарфласа, бунинг натижасида ҳар йили 9 – 12 та дараҳт намайди!!! Одамлар сони йилдан йилга ўсиб бораяпти, дараҳтлар миқдори эса тезлик билан намаймоқда. Бир Қорақалпоғистоннинг ўзида, сўнгги йилларда, тўйайзорларнинг 90% несилиб нетди. Шундай пайт нелдики, шубҳасиз, дараҳтларни ўтин учун несиш – ер юзидаги ўсимликларни қириш дегани билан бир бўлиб қоляпти.

Нима қилиш нерак? Ўтин ўрнини боса оладиган, қулай ва самарали нарса борми?

Бор! Бу – ёқилғи брикетлари.

Тарихдан



Ёқилғи брикети – бу чиқиндилардан тайёрланиб маълум шаклда прессланган биологик аралашма. Ёқилғи брикетлари 19-асрда пайдо бўлиб, сўнгги йилларда бутун дунёга кенг тарқалди. Бунинг асосий сабаби, бир томондан, энергетик кризис қимматлашган углеводород ёқилғи ўрнига бошқа турдаги ёқилғилар топишга манжур қилгани, инкинидан, табиат ресурсларини нўп ва камсамарали ишлатиш натижасида келиб чиқсан экологик муаммолар.

Ёқилғи брикетлари бир қатор афзалликларга эга. Уларни тайёрлаш осонча сақлаш қулай. Тайёрлаш учун фақат пресс-ускуна ясаш нерак, холос. Брикетлар маълум шаклда бўлгани учун, улар ихчам, сақлаш ва ташиб учун қулай. Уларга нетадиган хомашё эса ҳамма ерда чегараланмаган миқдорда топилади. Масалан, битта ҳўжалик чиқиндисидан 500 кг гача ёқилғи брикети ҳозирлаш мумкин!!!

Айтиш жоизки, ёқилғи брикетлари – бу экологик жиҳатдан тоза маҳсулот. Улар табиий, ўсимлик чиқиндиларидан химик препаратлар билан ишлов берилмай олинади. Шунинг учун ёнганда атроф мухитга салбий таъсири нисбатан анча нам. Халқаро мутахассислар ҳисоб-нитобларига кўра, брикетларнинг иссиқлик сифими 4,5–5 кВт/кг га teng бўлиб, ўтиннидан 1,5 марта нўп, яни уни кўмирга тенглаш мумкин. Тасаввур нилинг, 500 кг ёқилғи брикетлари ёқилганда, 800 кг ўтин, 240 м³ газ, 250 л дизель ёқилғи, 500 кг кўмир, 340 л мазут иссиқлигини беради.

Энди биз биламиз: ёқилғи брикетлари нима, қандай афзалликлари бор. Шундай хулоса қилиш мумкин – улардан фойдаланиш нафақат юртимиздаги дараҳт, ўсимликларини асрайди, балки ўтинга сарфланадиган маблағни ҳам анчаденкайди.

Ёқилғи брикетларини тайёрлаш йўриқномаси.




МУРАККАБЛИК ТУРИ:

Ёқилғи брикетларини тайёрлаш учун, биринчи навбатда, брикет прессини ясашимиз нерак. Брикет пресси (ингл. Briquetting press) – бу майдаланган хомашёга механик босим таъсирида маълум шакл бериш учун ишлатиладиган ускуна. Уни ясаш жуда осон.

Материаллар:

- Пресс-ускунанинг таҳта қисмлари (1-расм).
1. Пресс дастаси. Ўлчови: 1380 мм × 45 мм × 100 мм – 1 дона.
 2. Пресс дастаси ва елкасини бирлаштирадиган таҳталар. Ўлчови 560 мм × 45мм × 100 мм – 2 дона.
 3. Пресснинг бўйлама асоси. Ўлчови 1220 мм × 45мм × 100 мм – 1 дона.
 4. Пресс оёғи. Ўлчови 600 мм × 45 мм × 100 мм – 2 дона.
 5. Пресснинг вертикал тиргаки. Ўлчови 100 мм × 45 мм × 100мм – 4 дона.
 6. Пресс дастасининг узунасидаги нифти. Ўлчови 1530 мм × 45 мм × 100 мм – 1 дона.
 7. Металл болтлар. Диаметри 12 мм – 6 дона, узунлиги 180 мм.
 8. Металл болтлар. Диаметри 8 мм, узунлиги 160 мм – 4 дона.



Пресс-ускунанинг қўшимча қисмлари (2-расм).

1. Цилиндр. Баландлиги 285 мм ва диаметри 106 мм бўлган металл ёки пластик қувур. Пресслаш вақтида ортиқча суюқлик тўнилиши учун, қувурнинг периметри бўйича 4 мм ли тешиклар ясаймиз. Цилиндр биомассага шакл бериш учун хизмат қилади.
2. Поршень. Баландлиги 285 см ва диаметри 102мм бўлган металл ёки таҳта поршень. Поршень биомассани цилиндрда эзиш учун нерак.
3. Диаметри 102 мм бўлган металл пластиналар поршеннинг иккни томонига биринтирилади.
4. Узунлиги 30 мм ва диаметри 12 мм бўлган металл ўқ, поршень ичидан ўтиб, брикетни ўртасида тешик ҳосил қилади.
5. Диаметри 105 мм 113 мм га бўлган ариқсимон ўйилган таҳта таглин.

1-босқич. Металл болтлар ёрдамида пресс-ускуннанинг келтирилган схема бўйичатахта қисмларини бирлаштириб йигамиз

2-босқич. Хомашё-материалларни йигиш.

Хомашё-материаллар сифатида бегона ўтлар, тўкилган барг, қуриган ўсимлик, бошоқли ўсимликлар пояси, тахта ва ёғ ишлаб чиқариш чиқиндили, чорвачилик чиқиндили ва бошқа органик чиқиндилиар ишлатилиши мумкин.

Хомашё сифатида шиша, пластик пакетлар, алюмин банналар, пластмасса ишлатиш **МУМКИН ЭМАС**.

3-босқич. Йигилган хомашёни тайёрлаш.

1. Хомашё - материални келичада ёки бошқа усулда 2 см катталиқда бўлгунга қадар майдалаймиз.
2. Бирор идишга солиб, полиэтилен пакет билан ёпамиз. Ярим компост ҳолига бўлгунга қадар сақлаймиз. Сақлаш муддати об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлади. Аralашма илиқ ва қуюқ ҳолга келгандан кейин уни очиб шамоллатамиз.
3. Ҳосил бўлган ярим-компост массани, бир хил қуюқ ҳолга келгунча намлаб аралаштирамиз.

Хомашё сифатида биомасса (ўсимлик, чорва ва овқат қолдиқлари қоришмаси) билан қоғоздан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бунингучун:

1. Қоғозни маълум миқдорда олиб, ненглиги 5 см ва узунлиги 10-15 см катталиқда майдалаб, сув билан намлаймиз, бунда қоғоз осонгина шарча шанлида ёпишиши керак.
2. Тайёрланган қоғозга бир хил миқдорда эзилган, қуритилган биомассани қўшамиз. Катта бўлган чиқиндаларни келичада ёки бошқа усул билан майдалаймиз.
3. Намланган қоғозни, бир меъерда қуюқ, хамирга ўхшаган бўтқа булгунича қорамиз.
4. Биомассани қоғоз билан бир идишда, компонентлари қўшилиши учун сув (умумий хажмининг 80% гача) қўйиб туриб аралаштирамиз. Брикетнинг умумий хажми 30-50% қоғоз ва қолган 50-70% биомасса бўлади.

4-босқич. Брикетларни пресслаш.

Учинчи этапда тайёрланган хомашёга пресс-ускуна ёрдамида прессслаб шанл берамиз. Брикетнинг оптималь ўлчовлари: диаметри – 100 мм, қалинлиги – 50 мм, ички тешик диаметри – 10 мм.

5-босқич. Тайёр брикетларни қуритиш ва сақлаш.

1. Тайёр брикетларни очиқ ҳавода қўёшга қўйиб қуритамиз (бунга одатда 3-бунн етади).
2. Қуриган брикетларни очиқ ҳавода сақлаш керак. Брикетларга баъзан чумоли ва термитлар босиши мумкин. Бу ҳолда уларни қора пластин билан ёпиш керак.

Мана энди брикет ёқилғи тайёр бўлди! Энди уни беҳавотир ўчоқларда ёқиб, овқаттайёрлашимиз мумкин.










ФОЙДАНИ ХИСОБЛАЙМИЗ



1 м³ ўтин 500 кг тайер ёқилғи брикетларга teng. Agar 1 м³ ўтин нархи 40000 сўм бўлса, 500 кг ёқилғи брикетларни тайёрлаб 40000 сўм тежаш мумкин.

Пресс-усунуна схемаси



ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ БҮЛСИН

Үйдаги дераза ва эшикларни иситиш

Биз ўюндаримизнинг энергия самардорлигини оширидик, ёқилғи бринетларини тайёрлашни ўргандик, бу бизга маблагимизни тежашга ва атрофимуҳитни сақлашга ёрдам берди. Лекин, ўчоғимиз берәётган иссиқларин, эшин ва дераза тирқишиларидан чиқиб кетса, бизнинг меҳнатларимиз зое нетмайдими? Зое кетади. Иссиқларини самардорли ишлаб чиқарышнинг ўзи етарли эмас - уни сақлаш ҳам керан. Бўнинг учун дераза ва эшикларни иситишни ўрганамиз.

Мутахассислар баҳолашига кўра, иссиқларининг 40% дераза тирқишиларидан чиқиб кетар экан. Деразаларни қўшимча иситиш хона температурасини 4-5 °C га оширишга имкон беради. Демак, энди биринчи навбатда шу билан шуғулланишмиз керан.

Дераза ва эшикларни иситиш учун

1-йўриқнома



МУРАККАБЛИК ТУРИ:

Дераза тирқишиларини оддий шамчироқ билан теншириб топиш мумкин. Шамол эсган нуни шамчироқни аста-секин дераза роми бўйлаб юргизинг. Шам ёлкени шамол нирган жойларни кўрсатади. Қўл билан ҳам дераза ва девор тирқишилари, ойна ва ром туташган жойлардан келадиган совуқ шамол сезилиди. Бундай жойларни ичнаридан ҳам, ташқаридан ҳам герметизация, яъни ҳаво ўтмайдиган қилиш керан. Шундан кейин, дераза ромлари орасидаги ҳаво совундан асрайди.

Пастда келтирилган йўриқнома, эшиклар тирқишиларини ёпиш учун ҳам қўлланилади.

Материаллар:

1. Силикон герметин.
2. Деразанизичлаш учун материал.
3. Иссиқларни қайтарадиган экран учун материал.
4. Монтаж кўпиги.

1-босқич. Синган ва ёрилган ойналарни ечиш.

1-босқичда синиқ ва ёрилган ойналарни ечиб алмаштирамиз, акс ҳолда, барчамеҳнатимиз зое нетади.

2-босқич. Тирқиш ва катта тешикларни ёпиш.

2-босқичда дераза ромлари ва ром билан девор орасидаги тирқишиларни ёпамиз.

1. Шпаклевка ва бўёқ билан тирқишиларни ёпамиз.
2. Ром ва девор орасидаги катта (1 см дан 8 см гача бўлган) тешикларни монтаж кўпиги билан ёпамиз.



Монтаж кўпиги билан ишлаш учун маслаҳатлар



- Кўпик билан, совуқ бўлмаган об-ҳаво, яъни +5 дан +30 °C ҳароратда ишлаш тавсия қилинади. Бунда кўпик яхши қотади. Совуқ манфий ҳароратларда ишлаш учун, маҳсус "қиши кўпик"дан фойдаланилади.

- Кўпик билан, кўлжоп нийиб очиқ ҳавода ишлаш неран!

- Кўпик ненгаяди, шунинг учун эшин ва дераза ромлари қийшайиб нетмаслиги учун, уларни олдиндан тирғайлар билан мустаҳкамлаш керан. Тирғакларни иш тугагандан сўнг 12-14 соатдан нейин олиб кўйиш мумкин.

- Кўпик яхши қотиши учун, тирқиши сув билан намлаш керан, бунда оддий пурнагичдан фойдаланиш мумкин.

- Баллон ичидаги монтаж кўпигини бир минут мобайнида яхшилаб силкитиб аралаштириш неран.

- Баллонда нўрсатилган монтаж кўпиги билан ишлаш учун йўриқномани динқат билан ўқиб чиқинг. Едингизда тулинг, ишлаш жараенида баллон ости юқорида бўлиши неран!

- Кўпик ҳанами қотиши жараёнида инки-уч марта кўпайиши сабабли, тирқишиларнинг учдан бир ѹисмини тўлдириш тавсия этилади.

Тик, вертикал тирқишиларни ёпишда ишни пастан бошлаб, аста секин юқорига кўтарилиш лозим (бунда бошида суюқ бўлган кўпик оқиб нетмасдан яхши ушланади).

- Кўпик яхши қотиши учун унга сув сепинг. Ярим соатдан нейин, агар тирқишилар яхши ёпилмаган бўлса, яна бир қатлам кўпик қўйинг. Кўпикдан қолган доғларни янгилигида ацетон ёки зритувчи (растворитель) билан йўқотиш мумкин.

- Кўпик бир неча соатдан нейин (турига қараб) тўла қотади.

- Монтаж кўпиги қўёшнинг ультрафиолет нурларидан қўрнади, шунинг учун унинг устини қотгандан нейин бўен, штукатурна, шпаклевка, цемент ёки часпаклар билан ёпиб, химоялаш зарур. Акс ҳолда, бир йилга етмасдан кўпик сарғайиб, ёрилиб увоқлаша бошлайди, сатҳи эса намликни осонгина узига оладиган бўлиб қолади.

3-босқич. Ойна ва ром орасини герметизациялаш.

Бу ишда силикон герметин ва монтаж тўппончасидан фойдаланилади. Улар ёрдамида ойна ва рейка ораларига герметик қуйиб чиқиш етарли, ленин рейналарни ечиш, герметик ромнинг ўзига қуйилса янада ҳам яхши натинага эришилади. Бунда ойна жойига солингандан ромга ёпишиб, яхши герметизация бўлади.

1. Ром тавақаларини очамиз.
2. Ойналарни тозалаб ювамиз.
3. Дераза ромларини чант ва кирдан тозалаймиз.
4. Ойнани ечиб оламиз. Эски замазка изларини, бўлса агар, шпатель (куранчасимон асбоб) ёрдамида тозалаймиз.
5. Бир тюбик герметикни тўппончага кийдириб, ромнинг ойна билан туташган жойларига қуйиб чиқамиз.
6. Ойнани жойига солиб, штапик билан маҳнамлаймиз. Зарур бўлса, штапикларни янгилаймиз.
7. Ойна ва штапик орасига ҳам герметик билан ишлов берамиз.

Зичловчилар бўйича маслаҳатлар



Зичловчи турлари етарлича кўп. Деразаларни иситиш учун ҳар хил материаллар: поролон (энг арzon, ленин тез ишдан чиқади), пенополиэтилен, силикон ва резинали синтетик зичловчилардан фойдаланиш мумкин.

Зичловчини танлашда нимага эътибор бериш нерак?

1. Зичловчини харид қилишдан олдин унинг ўрамида берилган маълумотномани ўнинг: материали, агар елемли бўлса, ишлатиш муддатини кўринг.
2. Уни эзиб кўриб ўз шаклига осон қайтишини тенширинг.
3. Агар ёпиштириладиган зичловчи танлаган бўлсангиз, сифатли елим олинг, масалан, силикон герметик.
4. Зичловчи турини танлашдан олдин, ёпиладиган тирқишилар ўлчовини олинг. «E» ҳарфи кўринишидаги профиль (базан уни K – профиль дейишади) 2-3,5 мм бўлган тирқишиларга ишлатилади, «Р» ҳарфи кўринишидаги – 3-5 мм ли тирқишилар учун, "D" профили – 3-7 мм ли тирқишилар учун. Тирқишиларни ўлчаш учун полизтиленга ўралган пластилиндан фойдаланиш мумкин. Дераза тавақаси ёпиб очилганда, тирқишиларга қўйилган пластилин "маёклари" тирқишилчовларини аниқ кўрсатади.

4-боскич. Деразаларни зичлаш.

Прокладна ва профиль зичловчилар ёрдамида деразаларни иситиш хона ҳароратини 1-2°Сга кўтариади.

1. Деразани очиб, бўлса агар, эски зичловчини олиб ташлаймиз.
2. Янги зичловчини қўйиш учун ромларни тозалаб ювамиз. Янги бўялган ромларга зичловчини бўялганига намода 2 ҳафта бўлгандан кейин ёпиштириш мумкин.
3. Зарурат бўлса, дераза ошиқ-мошиқларини ёғлаб металл бурчаклар ёрдамида мустаҳкамлаймиз.
4. Зичловчи тасмаси билан уни чўзмаган ҳолда дераза ўлчовларини оламиз.
5. Зичловчи учларини 45° остида кесиб, бир ченнасидан ҳимоя қатламини олиб, ромнинг юқори қисмига илонки борича четига яқинроқ қилиб ёпиштирамиз.
6. Шу тарзда, зичловчини ромнинг қолган қисмларига ўрнатамиз. Бунда, дераза ромларининг бурчаклари, ошиқ-мошиқ ўрнатилган жойларга алоҳида эътибор бериш нерак, зарур бўлса, зичловчи учларини степлер ўқлари ёни оддий канцелярия иннопкалари ёрдамида маҳнамлаш нерак.

Энди бизнинг деразаларимиз зич ва елвизанни ўтказмайдиган бўлди, хонамиз ҳарорати эса 4-5°Сга кўтарилди.

Деразани иситиш учун 2-йўриқнома

Табиийни, деразаларни иситишда, ҳар доим қўл остилизда керали, замонавий материаллар бўлмаслиги мумкин. Лекин, бу муаммо эмас, чунки деразаларни бундан ҳам оддийроқ усуслар билан иситиш мумкин.

Тирқишиларни ҳўл газета билан тўлдириб, устидан қоғоз ёпиштириш мумкин. Бунда, баҳорда деразаларни қоғоздан тозалагандан кейин, ромларни бўяшга тўғри келиши мумкин. Тирқишиларни поролон, эсни латта ёни пахта билан тўлдириб, устидан латта ёни қоғоз тасмаларни яхшилаб совунлаб, ёпиштириш ҳам мумкин, бунда баҳор келганда латта ва қоғоз тасмалари намланса осонгина олинади.

Ничик тирқишиларни алебастр билан тўлдириш мумкин. Ленин, бу ҳолда деразаларни баҳоргача очиб бўлмайди, акс ҳолда алебастр тўнилиб, ишни қайтадан қилишга тўғри келади. Зичловчи сифатидаги дор ипини ёни бошқа шунга ўхшашиб материалларни ҳам ишлатиш мумкин.

Деразаларга қалин пардалар осиб ҳам хона ҳароратини сақлаш мумкин. Лекин бунда пардалар иситиш радиаторларини ёпмаслиги нерак. Нундузлари пардаларни очиб қўйиш нерак, бунда қўёш нурлари хонага нириб, уни янада иситади.

Фойдали маслаҳатлар

-
1. Иситиш ўснуналарини тўсманг – иссиқ ҳаво хонани иситишига халақит берманг.
 2. Нечаси пардаларни ёпиб қўйинг, улар иссиқ чиқишини қайтаради.
 3. Хонани тез лекин яхшилаб шамоллатинг. Мунтазам очиқ турган дераза ва дарча кўчани иситиб, пулингизни том маънода кўнна совуради. Қисқа вақтга ойналарни натта очиб, «зарба» билан шамоллатиш нерак. Ҳаво алмашиб улгуради, ленин хона совишига улгурмайди.
 4. Илонки бўлса, уй олдига дарахтлар экинге Ўй атрофидаги дарахтлар ҳам унинг иссиғини саңрайди.

Фойдасини ҳисоблаймиз



Агар, ойналар иситилганда, ёқилғининг 40% теналса, бир оила эса қишида 3m^3 ўтин ёқса, унда:

$$3\text{m}^3 - 100\%$$

$$X - 40\%$$

Иқтисод қилинган ўтин миқдори (X) = $(3\text{m}^3 \times 40\%) / 100\% = 1,2\text{m}^3$ тенг бўлади. 1m^3 ўтин нархи 40000 сўм бўлса, унда биз бир йилда 48000 сўм тежаймиз ($1,2\text{m}^3 \times 40000$ сўм).

Энди дераза ва эшиналарни иситиб, фойданы ҳисоблаб, шунга икрор бўлдикни, ўйимизни иситишга сарфланадиган харажатларни анча камайтиридик. Иссиқлик ва қулайлик эса меҳнатимиз учун мунофот бўлди!

ТҮЙИМЛИ ВА МАЗАЛИ БҮЛСИН Қутисимон қуёш ўчоқлари

Биз ҳар нуни эрталаб ўйғонганда қуёшни күрамиз. У ердан 150 миллион километр масофада бўлганига қарамай, бутун Ер юзидағи жонзотларга ҳаёт бағишлади. У бизга энг муҳими – энергияни беради. Қуёш энергиясининг Ерга тушадиганничин (қарийб юз миллиондан бир фоиз) миңдори ҳам бизнинг энергияга бўлган эҳтиёжимизни бир неча баробар қоплашга етади.

Одам, ҳаёти учун иеракли энергияни озиқланиб олади. Олинган энергия бизга яшаш, ўйлаш, ишлаш, ўқиши, дунёни ўрганиш, саёҳатларга чиқиш ва бошқа имкониятларни беради. Табиийки, тўйимли ва мазали овқатсиз биз ҳолсизланамиз ва ҷарчаймиз. Афсусни, овқат тайёрлаш учун бизга газ ёни ўтин нерак. Бу ресурсларни ишлатиш эса, юқорида нўрсатилганиден, атроф-муҳит, табиатга салбий таъсир нўрсатади. Унда нима қилиш нерак?

Мазали ва тўйимли овқатларни табиатга зарар келтирмасдан тайёрлаш мумнинми?

Мумкин – қуёш ўчоғини ясаш нерак!

Қутисимон қуёш ўчоқлари қуёш нури ёрдамида бошқа энергия манбаидан фойдаланмасдан овқат тайёрлаш учун энг содда қурилма. Уни оддий қўл остидаги воситалардан қуриш мумкин. Ундаги ҳарорат 180–200 °C гача қўтарилади, шунинг учун ихтиёрий масалиқлар унда пишиб нетади. Қуёш бўлса нифор!

Унда ҳаво айланмаслиги сабабли таомлар хуштаъм ва хушбўй бўлади. Бундай ўчоңда қовурилган таомлар сўлли ва майин, ёпилган нон эса бетакрор таъмга эга. Бундай ўчоғнинг энг катта афзаллиги эса, албатта, унинг мутлақо ҳавфизлиги, олов олиб нетишига ҳеч қандай ҳавф йўқ!

Тарихдан



Биринчи қуёш ўчоги XVII аср охирида, француз нимёгари А. Лавуазье томонидан яратилган. Бу ўчоқнинг ҳарорати 1650 °C гача етарди. Унда вакуумда ва маҳсус ҳимоя атмосферасида материаллар намуналари қиздирилиб тадқиқотлар олиб бориларди. Бу ўчоқ ёрдамида углерод ва платина хусусиятлари ўрганилган. Овқат тайёрлаш учун биринчи қуёш ўчоги 1767 йилда, альпинизм талаблари учун Орас Бенедикт де Соссюр томонидан ясалган. Ўзбенистонда 1987 йилда материалшунослини Институти ҳудудида, Ўзбенистон Республикаси фанлар Академиясига қарашли "Физика – Қуёш" ИИБ томонидан, қуввати минг киловатт бўлган Катта Қуёш Учоги (НҚУ) ишга туширилди. Бундай ўчоқлар дунёда бор йўғи инкита, инкнинчиси Франциядай жойлашган.

Ўзбенистонда қуёш ўчоқларидан фаол фойдаланиш учун ҳамма шароит бор, чунки йил давомида тахминан 300 кун қуёшли бўлади. Бундай ўчоқдан фойдаланиб биз пулларимизни тенжаймиз, чунки овқат тайёрлаш учун ўтин ва газ ишлатмаймиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда, инструментларни олиб, ўз қуёш ўчоғимизни қуришни бошлайлик.

Қутисимон қуёш ўчоғини қуриш йўриқномаси.

МУРАККАБЛИК ТУРИ:



Қутисимон қуёш ўчоги осон топиладиган материаллардан қурилади, у ички ён деворлари нурларни қайтарувчи фольга билан қопланган, туби эса қора рангга бўялган тахта қутидан иборат. Қутичанинг қопқоғи ойнадан ясалган. Қуёш нурлари ойнадан кириб қора рангдаги туби орқали ютилади ва иссиқлинга айланади. Қурилманинг ички қисми герметик бўлганилиги сабабли, иссиқлик тўлқинлари ён девор фольгасидан аксланиб, ойнадан қайтиб, ўчоқ ичидаги ийғилади ва ҳароратни 100 °C дан юқорига кўтаради. Бу эса овқат тайёрлаш ва, ҳатто, нон ёпиш учун етарли.



Материаллар:

1. Қалинлиги 4 мм ли фанера, ўлчови 330 мм×460 мм×175 мм бўлган ён девор – 2дона.
2. Қалинлиги 4 мм ли фанера, ўлчови 175 мм×460мм бўлган олд девор –1дона.
3. Қалинлиги 4 мм ли фанера, ўлчови 330мм×460 мм бўлган орқа девор – 1дона.
4. Қалинлиги 4 мм ли фанера, ўлчови 500мм×470мм бўлган ўчоқ таги –1дона.
5. Қалинлиги 4 мм фанера, ўлчови 530 мм×460 мм бўлган акслантирувчи экран –1дона.
6. Фольга.
7. Ойна, ўлчови 520 мм x 440 мм.
8. Ўлчови 30 ммx15 мм га бўлган брусклар.
9. ПВА елими.
10. Шуруплар.
11. Қора рангли ватман ёни қора қоғоз.

Қутисимон қүеш үчоги схемаси



Фанера, калыптегі 4 мм
510 мм x 470 мм та - 1 дәнса



Фанера, калыптегі 4 мм
330 мм x 460 мм x 175 мм та - 2 дәнса


Фанера, калыптегі 4 мм
175 мм x 460 мм та - 1 дәнса



Фанера, калыптегі 4 мм
330 мм x 460 мм та - 1 дәнса



Көре көз



файлд




Фанера, калыптегі 4 мм
510 мм x 460 мм та - 1 дәнса




Ойлау, йүгөн
520 мм x 440 мм та - 1 дәнса

Рейка бетон на шине
ұзындығы 1,5 м
30 мм x 15 мм




510 мм
175 мм

510 мм
175 мм




Көре көз



175 мм
510 мм
175 мм






460 мм
175 мм



460 мм
175 мм
460 мм
175 мм



файлд



3

4

5

6

1-босқич. Қуёш ўчоқ тагининг ясаш.

1. Қуёш ўчоқ тагининг бир томонида периметри бўйлаб шуруплар ёрдамида брусоқларни қотирамиз.
2. Инкинчи томонига қора ватман ёки қора қофоз ёпиширамиз.

2-босқич. Қуёш ўчоғининг юқори қисмини йигиш.

1. Қуёш ўчоғининг қолган қисмларини ҳам несиб тайёрлаймиз.
2. ПВА елими ёрдамида қуёш ўчоғининг ҳамма (олд, ён ва орқа) томонларини фольгабилан қоплаймиз.

Диққат! Фольгани текислаш учун юмшоқ латтадан фойдаланиб, уни қуёш нурлари яхшироқсансланиши учун ўчоқнинг ҳамма томонига тенис қилиб ёпиширинг.

3. Брусоқларни шуруплар ёрдамида қуёш ўчоғининг ён томонига расмда кўрсатилгандай қотиринг.

Диққат! Юқоридаги брусоқларни ойнани ушлаши учун расмда кўрсатилгандай, озгина чиқариб қотириш неран.

4. Шуруплар ёрдамида қуёш ўчоғини ён, олд ва орқатомонларини биринтирамиз.
5. Ойнани қўйиб, брусоқлар ёрдамида қотирамиз.

Ўчоғимиз фойдаланишга тайёр!

Қуёш ўчоғида овқат тайёрлаш учун қорамтиришлардаги идиш-товоқдан фойдаланинг, чунки бундай идиш қуёш нурларини яхши ютади.

Фойдани ҳисоблаймиз



Овқаттайёрлаш учун, ўртача ҳисобда, 2 кг ўтин сарфланади. Агар қуёш ўчоғига йилни 300 қуёшли куннада бир марта таом тайёрласан, 600 кг ўтин тенжасимииз мумкин. 600 кг ўтин тахминан 1 м³ ўтинга тенг бўлишини ва 1 м³ ўтин тахминан 40000 сўм туришини ҳисобга олсан, бир йилда 40000 сўм тенжаймиз.



ТЎЙИМЛИ ВА МАЗАЛИ БЎЛСИН Параболик турдаги қуёш ўчоғи

Қуёш ўчоғи турлари жуда ҳам нўп, сиз ўзингизга тўғри келганини танлаб ясашингиз мумкин.

Қуёш ўчоғини қуриш учун янада оддийроқ усулини кўрсатамиз.

Параболик турдаги қуёш ўчоғини қуриш йўриқномаси

МУРАККАБЛИК ТУРИ:

Қуёш ўчоғининг тузилиши жуда ҳам оддий, уни ясаш учун, ишлаш тамойилини тушуниш нерак холос. Бу тамойил шундан иборатни, ансланадиган юза ёрдамида қуёш нурлари бир нуқтага – фокусга йигилади, ўша фонус ўрнига кўзани овқати билан қўйсак, қуёш нурлари нўзада жамланиб, уни юқори ҳароратгача қизитади. Шу сабабли овқат пишади.

Бундай ўчоқ параболик рефлентор, яъни параболик турдаги анслантирувчидан иборат. Таглик, ўчоғининг фонусида, яъни ҳамма қуёш нурлари йигилган нуқтада нойланниши неран. Анслантирувчи қурилма пўлат тунунадан ёни фольгадан ясалган бўлиб, параболоид нўринишида бўлиши мумкин. Анслантирувчи қурилма усти одатда силлиқланган алюминий, сатҳи нўзгудек бўлган металл ёни пластиқдан тайёрланади. Фокус масофасига боғлиқ ҳолда, анслантирувчи қурилма чункур товоқча шаклида бўлиб, овқат солинган қумғон унга тўла кириши мумкин. Бунда идиш шамолдан ҳимояланган бўлади. Анслантирувчи қурилма товоқча шаклида ҳам бўлиши мумкин, унда қумғон белгиланган масофада фонус нуқтасига ўрнатилади.

Одатда, параболик турдаги қуёш ўчоғларида ҳарорат жуда баланд нўтарилади ва бу овқатнинг тез пишишига сабаб бўлади.

Фойдали маслаҳатлар

Қуёш ошхонасида овқат тайёрлаш

Сабзвотлар (нартошка, сабзи, сарсабил, узунчоқовоқча ва ҳ.н.).
Тайёрлаш: Янги узилган сабзвот бўлса, сув солиш шарт эмас.
Сабзвотларни бир хил бўланларга бўлиб, банинга солинг.
Тайёрлаш вақти: 30 дақиқадан 1 соатгача.



Дон ва дуннакли ўсимликлар (гуруч, тариқ, бүгдой, арпа, сўлива ҳ.н.).
Тайёрлаш: 2 қисм сувга бир қисм дон солиб, аралашма тайёрлаймиз.
Таъбингизга қараб, миқдорини ўзгартиришингиз мумнин. Донни, овқат тайёрлашдан олдин бир неча соатта ивитиб қўйиш нерак. Дон бир тенисда тайёр бўлиши учун, тайёрлашнинг 50 дақиқасидан кейин банкани силкитиш нерак.
Огоҳлантириш: банка қизиб турган бўлади. Қўлни кўйдирмаслик учун ошхона қўлқопларидан фойдаланинг.
Тайёрлаш вақти: 1,5 – 2 соат.

Манаронлар ва эритиладиган суюқ овқат аралашмалари.
Тайёрлаш: Аввал сувни қайнагунча иситинг (50 – 70 дақиқагача). Кейин унга макарон ёни суюқ овқат аралашмасини солинг. Қошиқ билан ёни банкани силкитиб аралаштиринг, 15 дақиқатайёрланг.
Тайёрлаш муддати: 65 – 85 дақиқа.

Дуннаклилар.
Тайёрлаш: Дуннакни нечасига ивитиб қўйинг. Баннага солиб, сув қўйинг.
Тайёрлаш вақти: 2 – 3 соат.

Тухум.
Тайёрлаш: Сув солиши шарт эмас. Тухум ўчонда узоқроқ туриб нолса, ранги ўзгариб қолиши мумнин, лекин мазаси ўзгармайди.
Тайёрлаш вақти: Тухумни қандай тайёрлашингизга боғлиқ – 1–1,5 соат.

Гўшт (товуң, мол гўшти ва балик)
Тайёрлаш: Сув солиши шарт эмас. Қанча узоқ пиширсангиз, шунча гўшт юмшоқ пишади.
Тайёрлаш вақти: Бўлакларга бўлинган товуқ – 1,5 соат, бутунича – 2,5 соатгача.
Бўлакларга бўлинган мол гўшти – 1,5 соат, каттароқ бўлаклар – 2,5–3 соат.
Балиқ – 1–1,5 соат.

Пиширик:
Тайёрлаш вақти хамирнинг миқдорига боғлиқ.
Тайёрлаш вақти: Нон – 1 – 1,5 соат, биснавитлар – 1 – 1,5 соат, печенье – 1 соатта яқин.

Қовурилган ёнгоқ (ер ёнгоқ, бодом, қовоқ уруғи).
Тайёрлаш: Ёнгоқларни баннага солинг. Таъмга қараб озгинга ёғ қўшинг.
Тайёрлаш вақти: 1,5 соаттагача.
Қуёш радиацияси нучли бўлса, қуёш ошхона янада самарали ишлайди. Овқат тайёрлаш вақти тахминан берилган.
Агар, осмон бўлутли бўлса ёни қуёш тинтурмаган бўлса
(масалан, қишида) ёни овқат миқдори нўп бўлса, тайёрлаш вақти чўзилади.



Одам асрлар давомида нуннинг ёруф вақтида ишлаб, неч ниргач, ишини тұтхатишига тұғри келган. Лекин чироқдан фойдаланиш, сүңт әлентр энергиясini олиш үрганилгандан кейин ҳаётимиз үзгарди. Ҳозирги нунда бундан атиги 100 ыйил аввал - XX-аср бошларидан хонадонлар көрсөн лампалар, шам ва қорачироқлар билан ёритилгандыгын тассавур ҳам қилиш қийин. Үтган асрнинг йигирманчи йилларида бошланған умумий электрификациялаш натижасыда әлентр чироги кундалик ҳаётнинг одатий ва зарурий буюми бўлиб қолди. Бахтимизга, әлентр энергия даври келиб, бизга ёруғлик ва унинг хилма-хилигини берди.

Тарихдан



Қадим замонларда одамлар ғорлар ичиде яшаганида, сунъий ёритишнинг биринчи манбаси - турар жой үртасыда ёңилган олов бўлган. Вақт ўтиб, олов үрнини тошларга қистирилган машъяла эгаллаган.

Қадимги Юнонистонда эса, үчоёқли столчага қўйиладиган, ёнилғи модда қўйилган идишдан иборат ёритгичлар расм бўлган. Кўп ўтмай үчоёқли столча шамдон (канделябр) билан алмашди. Бироқ узоқ тарих давомида ёритгичларнинг асосий воситаси деб шам бўлганини таъкидлаш лозим. У тайёрлашнинг осонлиги ва ўйни тутатмаслиги билан хонадонларни тезда забт этди. XVII асрдан катта залларни ёритиш учун люстрадан фойдаланиш бошланди. Даастлабни люстралар биллур ва металлдан ясалган.

Бугун дунёда әлентр энергиясидан фойдаланмайдиган бирор бир шаҳар бўлмаса керак. Кўпчилик шаҳарларнлар ёруғлин үйларига қаердан келишини ҳам ўйлаб ўтиришмайди. Ҳар бир мантаб ўқувчиси ёруғлин манбаи сув энергияси (ГЭС) ёки нўмир, газ, мазут каби ёнилғилар эвазига ишлайдиган станциялар (ТЭС) ишлаб чиқадиган әлентр ҳосил қилишини яхши билади. Афсуски, ТЭСларда жуда кўп табиий ресурслар сарфланади ва атроф-муҳит ҳаддан зиёд бўлғанади. Шаҳарда истиқомат қилувчилардан баъзилари әлентр тонини тенжамай истроф қилган бир вақтда,ничин қишлоқлар аҳолиси әлентр энергияси етишмаслигидан ва, ҳаттони, умуман йўқлигидан қўйналади. Әлентр энергияси кунига бир неча соатга бериладиган қишлоқлар ҳам оз эмас!

Сизнинг қишлоғингизда бундай муаммо борми? Борди-ю шундай бўлса ва қишлоғингиз тоғли ҳудудда жойлашган бўлса, балки у ердан сой оқиб ўтар. Агар сойнинг суви 20 метрдан нам бўлмаган баландликдан оқиб тушса, сиз уйингизни әлентр билан ёритиш муаммосини ўзингиз ҳал қилишингиз мумкин. Бу ҳам бепул, ҳам атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган әлентр қуввати манбаси микро-ГЭС(яъни жаңини ГЭС) қуриш йўли билан амалга оширилади.



МУРАККАБЛИК ТУРИ:

Қурилиш бошлашдан олдин, микро-ГЭС тушунчаси ва унинг иш тамойиллари билан танишамиз.

Микро-ГЭС атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган технологияларга асосланаби, унинг ёрдамида әлентр қувватини кичин ҳараннатлар ҳисобига тоғ дарёчалари, бошқа оқар сув ҳавзлари ёрдамида ишлаб чиқариш мумкин.

Ҳар қандай микро-ГЭС иннита омилга асосланади. Биринчиси бу – гидростатик босим (сувнинг юқори сатҳи билан қўйи сатҳи орасидаги фарқ) ва сув ҳараннати (ГЭС турбинани айлантириш учун етарли бўладиган сув ҳанми). Мана шу инни омил бўлса, микро-ГЭС жуда самарали ишлайди. Бунда битта шундай қурилма 700 ваттгача қувватга эга энергия ишлаб чиқиши мумкинни, у битта ўртача хонадонни әлентр энергияси билан тўлиқ таъминлашга етарлидир.


Микро-ГЭСнинг ишлаш тамойили:

Микро-ГЭСда сув оқими тепалиндан тик тушган қувур (ёни ўтирувчилик шланги) орқали юқоридан пастга қараб оқади. Узун қувур ичиде сув катта тезликтаги оқим ҳосил қиласди. Бу оқим турбинага тушиб, уни ҳам катта тезлиқда айланышга мажбур қиласди. Айланма ҳаракат турбинадан тасма орқали ўзгармас тон ишлаб чиқарадиган генераторга (масалан, транторларда қўлланадиган генераторга) узатилади. Ҳосил қилинадиган әлентр тони симлар орқали генератордан батареяларга, ундан керакли жойларга етказиб берилади. Ишлаб бўлган сув оқими турбинадан ўтгач, ариқ орқали яна сойга қайтади.

Микро-ГЭС иш тамойили билан танишгач, уни қуришни бошлаймиз.



Микро-ГЭС схемаси



Микро-ГЭС
учун асос



Паррак



12 V генератор



Ø 250 мм ли шкив.



Подшипники ўз.




Үт үчиринш гидранти
ёки учи торайган
күпүр.



Үт үчиринш шланги
ёки пластик/металл
күпүр.



Ток ўзартырганчи 12V
для 220 V тиче.








Төртниш
механизми.



Аккумулятор.



Химон көкүхү.



Материаллар:

1. Трактор генератори (12 В) – 1дона.
2. Ёнгин шланги – диаметри 50мм ли – 30 м.
3. Машина аккумулятори – 1дона.
4. Генераторни аккумуляторга улаш учун сим – 5 м.
5. Бурама көртикли стон – диаметри 50 мм ли – 2 дона.
6. Қулфли кран – диаметри 50 мм ли – 1дона.
7. Хомутлар – диаметри 50 мм ли – 4 дона.
8. Пластик қувур – диаметри 50 мм ли – 5 м.
9. Шнив – 1дона.
10. Тасма – 1дона.
11. Микро-ГЭС үрнатилиши учун платформа – 1донат.
12. Паррак – 1шт.
13. Электр тони үзгартырувчиси (1000 Вт) 12 В дан 220 Вга – 1дона
14. Подшипники үқ – 1дона.
15. Тортиш механизми – 1дона.
16. Ҳимоя қопқоғи – 1дона.

1-босқич. Асосий қурилмани йиғиши.

1. Платформага генератор ва помпага үрнатамиз.
2. Шкивларни генератор ва помпаларга үрнатамиз.
3. Тасмани тортиб қийдирамиз (генераторда тортиш қурилмаси бўлиши керак!). Тасмани шундай тортиш керакки, генератор айланганда тасма сирғалиб кетмасин.

2-босқич. Гидравлик қисмни йиғиши.

1. Шлангнинг бир учини помпага улаймиз. З м дан кейин шлангни несиб, стон ва хомутлардан фойдаланиб қулфли кран үрнатамиз.
2. Ёнгин шлангини тепалинга, сув манбасига тортамиз, пластик қувурга улаймиз, олдиндан пастдаги қулфли кранни ёпиб, қувурни сувга тушибармиз.
3. Қувурни оқим олиб кетмаслиги учун маҳнамлаймиз.

3-босқич. Микро-ГЭС ишини тенширамиз.

1. Қулфли кранни аста сенинлик билан очиб, ёнгин шланги ҳавосини чиқарамиз. "Ёпиқ/очик" тумблери "ёпиқ" ҳолатида туриш керак!
2. Қулфли кран ёрдамида аста сенин помпага сув босимини нучайтирамиз, бу ҳолда, генератордан олинган тонни вольтметр ёрдамида ўлчаймиз, сув босими шундай бўлсинки, вольтметр стрелкаси 13 – 15 вольтни кўрсатсан.
3. Тумблерни ёқиб, аккумуляторга тон юборамиз.

Аккумуляторга уланган тон үзгартувчисини улаймиз ва керакли 220 вольтли электр энергиясини оламиз.

Энди бизда ўзимизнинг электр манбайимиз бор ва биз нечалари телевизор қаршисида бемалол ўтириб, яхши кўрган теледастурларимизни кўриб дам олишимиз мумкин.

ФОЙДАНИ ҲИСОБЛАЙМИЗ



Агар энергияни 1 нВти 70,05 сўм бўлса, ва 1 ойда битта 4 нишидан иборат оила ўртача ҳисобда 150 нВт сарфласа, микро-ГЭС ёрдамида 150 нВт x 70,05 сўм =10500 сўм маблағ ҳар ойда тежалади.

ОЗОДА БЎЛСИН Компостлаш

Ҳар куни биз чиқинди чиқарамиз. Чиқинди сайдерамизга захмат келтиради. Ўртача ҳисобда, ҳар биримизга бир йилда 20 тонна хомаше сарфланади, ундан 97% ахлатхонага нетади. Чиқиндиларни чиқариш, бу Ер юзидағи асосий ишлаб чиқариш, дейиш мумкин. Ленин биз бу ҳақда унчалик ўйламаймиз, чунни бу муаммо шахсан бизга тааллуқли эмасден туйилади. Вақт ўтиши билан, одатда, биз кўчаларнинг ифлослигига, ахлатнинг сассик ҳидига, ахлат уюмлари қийдирилиши ва бунда кўламсга тутун атрофга тарқалишига ўрганиб қоламиз. Лекин, ўзимиз ҳам болаларимиз ҳам бу ҳаводан нафас оламиз. Органик чиқиндили ахлатхоналарда сичқон, каламуш ва ҳашаротлар кўпайиб насаллниклар тарқатади. Шуларнинг ҳаммасини тушунган ҳолда, дадил айтишимиз мумкинни, чиқиндилар муаммоси, нафақат атроф-муҳитга, балки бевосита ўзимизга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чиқиндиларни тўғри утилизация қилиш жуда ҳам муҳим.

Агар биз томорқали уйда яшасан, чиқиндиларимизнинг асосий қисми органик ахлат бўлади, яъни овқат қолдинлари, латта ва қофоз парчалари, мева-сабзавот пўчоги, ўсимларнинг қолдиғи, қуруқ барглар ва ҳ.н. Бундай чиқиндилар табиатдан жуда яхши чирийди.

Унда муаммо нимада? Муаммо шундаки, органик чиқиндилар чириши жараёнда, атмосферага шундай газлар чиқадини, улар маълум миндорда йиғилганда сайдерамиз иқлимини үзгартиради. Газлар атмосферада тарқалиб, қуёш нурларини тўсади. Натижада, ерга тушган қуёш нурлари космосга қайта олмасдан сайдерамиз ҳароратини кўтаради. Бу музлинларни эришига, денгиз оқимлари үзгаришига олиб келади, натижада иқлим ўзгаради, ёнингарлик ва ҳарорат ўзгаради.

Демак, иқлим дунё бўйича ўзгаради, чунки атмосферамиз битта. Шунинг учун ҳам органик чиқиндиларни қайта ишлаш жуда муҳим. Энг оддий ва фойдали усуllibардан бири бу – компостлаш.

Тарихдан



Компостлаш бу – қишлоқ ҳўяналиги ва баъзи бир саноат чиқиндиларини бантериялар таъсирида чиришига асосланган, ўғит(компост) тайёрлашусули. Компост бу нафақат ўғит, балки ҳаёт давомийлиги рамзи. Табиат ўзи, одам оёги ерга тегмасдан анча олдин, компост тайёрлаган. Миллиард йиллар дарахтлардан тушган барглар, қуёшда қуриган ўтлар аста сенин чириб, табиий ўғит ва совуқ бўларди, компостга айланарди. Табиий ўғит хосил бўлишига барча қушлар, ҳашаротлар ва ҳайвонлар ўз "улушини" кўшарди. Ўлганда ҳам уларнинг жасади ириб табиий компост қисми бўлади.

Агар органик чиқиндиларни тўғри компостлашни ўргансан, қишлоқ ҳўяналигига фойдаланиш мумкин бўлган, жуда яхши ўғит оламиз. Ва мос ҳолда, маблағимизни ҳам тенжаймиз, чунки сунъий ўғит сотиб олмаймиз ва яхши хосил оламиз.

Компостлаш жараёни бўйича йўриқнома

МУРАККАБЛИК ТУРИ:

Компостлаш ўсули нуда ҳам оддий бўлиб нўп харанат ва ҳаранат талаб қилмайди.

Материаллар:

1. Белкурак.
2. Паншаха.
3. Шағал.
4. Оҳан ва нул.
5. Овқатчиқиндилиари.

1-босқич. Компост ўрасини тайёрлаш.

1. Ўра учун жой танлаймиз. Ўрани томорқангизни бурчагида, шамол тегмайдиган, қуёш нурлари тушадиган жойда қилиш мақсадга мувофиқ.
2. Узунлиги ва кенглиги 1 дан 1,5 м гача бўлган ўра қазамиз, уни траншея нўринишида ҳам қилиш мумкин. Ўра чуқурлиги 1 м дан ошмаслиги нерак.
3. Ўрада сув туриб қолмаслиги учун тагига йирик шағал тўкамиз. Баъзида ўрага шакл бериш учун ёнларига ҳар хил материал (ДСП, ДВП ва ҳ.и.) бўланлари қўйилади, ленин бу шарт эмас.

2-босқич. Компост ўрасини тўлдириш.

Компост ўрасини тўлдириш учун ҳамма овқат чиқиндилиари (натта сунялардан ташқари), ўсимлик чиқиндилиари, нул ва мағзава ҳам ярайди. Баъзи ҳолларда гўнг, айниқса, қушларнини қўшиш мақсадга мувофиқ. Компост ўрасига органик бўлмаган ахлатлар (полиэтилен пакетлар, шиша, темир ва ҳ. и.) ни ташлаш мумкин эмас!

1. Ўрани органик чиқиндининг 15–20 см қалинлиндаги қатламларини тупроқ қатлами билан анратиб тўлдирамиз, бунда қатламларга оҳан ва нўл сепиш мақсадга мувофиқ.
2. Тўлиши сари, ўрани паншаха ёни бошқа ускуна билан, нислород нириши учун аралаштирамиз. Нислород қанча нўп бўлса, чириш шунча тез бўлади. Қатламлар ичига ҳаво нириши учун, нейинчалин, вақти-вақти билан ўрани лом ёни бошқа ускуна билан тешиб турish нерак, бу ёмон ҳид чиқишини ҳам олдини олади.

Компост ўраси бўйича маслаҳатлар



Агар компост қатламларига гумус ҳосил бўлишини тезлаштирадиган ўсимликлар – валериана, қичитни ўт, қоқи ўт, мойчечан, бўйимодарон ўтлари қўшилса, унинг сифати ошади.

Чириш нараёнини тезлаштириш мақсадида ўрани вақти-вақти билан намлаб турish нерак. Намлаш учун мағзава сувларини ҳам ишлатиш мумкин. Бунда ўсимликларга неракли фосфор биринмалари кўлаяди.

Ўрани бирор қопқоқ билан ёпиш тавсия қилинади, у қушлар ахлатни титишидан ва ўрани тез кўришдан сақлайди. Шу билан бирга, ўра зич ёпилмаслиги нерак, аңс ҳолда ҳаво кирмасдан, чиқиндилиар чириш ва компост ҳосил бўлишнараёни сенинлашади.

Мана биз компост ўраларини ҳам тайёрладик. Энди компост тайёр бўлишини кутиш қолди. Компост тайёр бўлиши вақти шароит ва чиқинди таркибига боғлик ва 4 ойдан 1,5 йилгача давом этиши мумкин. Лекин, узоқ вақтдан қўрқиши керак эмас. Биринчи ўрани тўлдириб бўлгандан кейин, ёнидан иккинчи ўрани тайёрлаш мумкин. Биринчи ўрада компост тайёр бўлгунча, иккинчисини тўлдириб борамиз. Кейин биринчи ўрадаги компост тайёр бўлганда уни ишлатамиз, унгача иккинчи ўрадаги компост етилади. Биринчи ўра бўшаганда, уни яна тўлдира бошлаймиз, унгача иккинчи ўрадаги компост тайёр бўлади.

Тайёр компостдан ер ҳиди келади, жигарранг тўнилувчи бўтқа наби бўлади, ундаги барча ўсимлик қолдиклари ўзининг дастлабни тузилмасини йўқоттан бўлиб, қўл билан осон уқаланади.

Тайёр компостни ҳар қандай тупроққа, ихтиёрий фаслда солиш мумкин ва ундан алоҳида органик ўғит ёни мульча сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Энди биз биргалинда нафақат сифатли ўғит тайёрлашни ўргандик, балки ишонч билан айтиш мумкини, иқлим ўзгаришига қарши нурашда ўз ҳиссамизни қўшдик.

ХОТИМА

Мана қўлланмамиз ниҳоясига ҳам келдин. Энди биз уйимизни альтернатив технологиялар ёрдамида қандай қилиб иссин, ёруғ ва тоза қилишни биламиз. Биз нафақат ўз ҳаётимизни енгиллаштиридик, балки, она еримизни асрашга хисса қўшдик. Бизнинг ота-боболаримиз биздан уялмаса бўлади. Энди охиргиси – шу қўлланма ёрдамида олинган барча билимларни яқинларимиз ва дўстларимизга берайлик, ўрганганимизни ўргатайлик.

Бу атроф-мухитни асрашдаги энг катта ютуқ бўлади.

Сизни уйингиз дойим ... ИССИҚ, ҚУЛАЙ, ЁРУҒ ВА ТОЗА, ДАСТУРХОНИНГИЗ ЭСА ТЎЙИМЛИ ВА МАЗАЛИ бўлсин.

Қайдлар үчүн
